Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 8 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 72 (7165)

**Da'vat**

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср ФОРОБИЙ

**Ibrat**

Охунбобоев туманидаги Ғиштмон қишлоғи болалари ўқув йилини 320 ўринли замонавий мактабда бошладилар. Пухта билим олиш, шунингдек, спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар муҳайё этилган янги илм маскани ўқувчилар учун ажойиб совға бўлди.

# ДИД ВА ТАФАККУР ТАРБИЯСИ

Ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидини шакллантириш, уларнинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввур, тушунчаларини кенгайтириш, ҳар жиҳатдан мустақил фикрлайдиган баркамол шахсни тарбиялашда тасвирий санъат таълимининг имкониятлари каттадир. Маълумки, чуқур ва мукаммал билимга эга бўлиш фақат ўқиш орқали амалга оширилади. Мустақил фикрга эга бўлишда ҳам мустақил равишда орттирилган билимлар муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, тасвирий санъат ўқитувчисининг таълим жараёнидаги асосий вазифаларидан бири ўқувчиларни эркин фикрлашга ундаш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдир. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги эса уларни ижтимоий фойдали бадиий фаолиятга жалб этиш йўли билан тарбияланади.

Мустақил ишлаш жараёнида ўқувчилар тасвирий санъатдан зарур билимларни онгли равишда пухта қабул қилиб оладилар ва у ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритадилар. Олган назарий билимларини эса амалда қўллашга ўрганадилар.

> *«Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади».*
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Турли мавзуларда мустақил тасвирий фаолият билан шуғулланиш ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради. Улар ўз олдига қўйган мақсадга эришишда, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, бошлаган ишини зўр қизиқиш билан якунига етказишдек қатъият ҳосил қиладилар. Бу масалада ёшларнинг билим даражаси, мустақил фикр юритишини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтаришга жиддий эътибор берилмаётир. Эндиликда бу камчиликларни бартараф этишимиз, жамиятимиздаги ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талабларини англашимиз зарурдир. Аксинча, бола мустақилликка эга бўлмаса, у шунчаки тақлидчи, ҳафсаласиз бўлиб қолади. Мустақил фикр юритишга эга бўлган бола бундай фазилатга эга бўлмаган боладан буткул фарқ қилади. У камол топиб, ўз кучини синаб кўра оладиган, ўзи яратган нарсани мустақил идора эта биладиган инсон бўлади. Инчинун, таълим-тарбия ишида болаларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига кенг ўрин берилмоғи лозим. Чунки инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина жадал шаклланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақил фикрлар мустақил орттирилган билимлардангина юзага келади. Ёдлаш эмас, фикрлаш билан эгалланган билим ҳақиқий билимдир.

Бола мустақил фикр юритиши учун унга ёшлигиданоқ жиддий эътибор бериш лозим. Бинобарин, боланинг мустақил фикр юритиши ўз-ўзини англаши, онги, тафаккури шаклланиши асосида бутун хатти-ҳаракатининг онгли равишда тартибга келишида, шунингдек, ижтимоий муносабатлар доирасига киришида намоён бўлади. Бу жараёнда боланинг онги, ташқи оламга боғлиқ ҳолда, бир мақсадга қаратила бошлайди. Онг шакллана бошлагач, бола амалий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари пайдо бўлади: биринчи йилда ҳиссий таъсирчанлик кучайса, иккинчи йили идрок этишнинг такомиллашуви юзага келади. Натижада болалар теварак-атрофдаги нарса-ҳодисаларга муносабат билдира бошлайди.

(Давоми 3-бетда)

## ЖАҲОН ОЛИМЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

**E'tirof**

Утган йили июль ойида Москвада «Физикани университетларда ўқитиш» бўйича Халқаро конференцияда «Ўзбекистон олий ўқув юртларида физикани ўқитиш масаласи» мавзусида маъруза билан чиқдим. Маърузам тугагач, «Олий мактабда физикани ўқитиш» журналининг бош муҳаррири, профессор Илвин деган киши менга мурожаат қилди. У яқинда академик Бузивахиннинг (Россия педагогика фанлари академиясининг президенти) Ўзбекистондан қайтиб келиб, у ерда таълим бўйича революцион ўзгаришлар рўй бераётганлиги ҳақида академия йиғилишида тўлқинланиб гапирганлигини айтди. Мендан ўз журнали учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва моҳиятини акс эттирувчи мақола ёзиб юборишимни илтимос қилди.

Москвадан қайтиб келгандан кейин «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: XX1 асрга йўналтириш» номли мақола ёзиб, дастурнинг, имконим даражасида, шарҳини бердим. Мақола «Преподавание физики в высшей школе» журналида босилди.

Яқинда, июль ойида, Москвада бўлиб ўтган халқаро конференцияда москвалик дўстим проф. Ивановнинг уйида япониялик профессорлар Гендо Оами (Кумамоти Университетидан) ва Уан Жон-Ичиро Иокка (Нагая университетидан) билан танишдим. Улар менинг Самарқанд университетидан эканлигимни билгандан сўнг, Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга интилаётганлигини, айниқса, биздаги таълим тизими бўйича аҳборот беришимни сўрадилар. Мен уларга юқоридаги айтиб ўтилган журналда чиққан мақола нусхасини юбордим. Шу йил 3 сентябрь куни профессор Гендо Оамидан мақолани олганлиги ва раҳматномасини олдим. Юқоридаги иккита факт бизларни янада руҳлантирди ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш тараққиётимизни белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири эканлигига ишончимизни янада оширди.

**Облоқул ҚУВОНДИҚОВ,**
**физика-математика фанлари доктори, профессор**

## УЧЛИКНИНГ ВАЗИФАСИ

**Oila, maktab, mahalla**

Жиддий, масъулиятни ҳис этадиган, ўқиш ва касб эгаллашга интилган, яхши-ёмоннинг фарқига етадиган, эсли-ҳушли йигит ва қизлар ёшларимизнинг аксарият қисмини ташкил қилади. Лекин ҳеч нарса қизиқтирмайдиган, бекорчиликка, енгил-елпи юришга, безориликка, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка берилган ёшлар ҳам бор. Қонунбузарликнинг 30 фоиздан ортиғи айнан шундай ёшлар ҳисобига тўғри келади. Демак, биринчи навбатда уларга нисбатан мунтазам ва изчил тарбиявий иш олиб бориш лозим. Бунда «Оила – маҳалла - мактаб» концепцияси яхши кўмак бўлади. Ихлос ва фаоллик билан бу дастурни ҳаётга татбиқ қилаётган маҳаллаларда ёшларни мустақил Ўзбекистонга муносиб, билимдон, маданиятли, ислоҳотларни давом эттира оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазифаси муваффақиятли амалга ошаяпти. Шу билан биргаликда, айрим фуқаролар йиғинларида маънавият ва маърифат ҳамда ёшлар тарбияси каби масалалар ҳисоботларнинг ёки кун тартибининг охирига қўйилиши, уларнинг бажарилишида сусткашлик ёки лоқайдликка йўл қўйилаётганини кўрсатади. Ёшлар ўртасида, аввваламбор, оила қуришнинг маънавий-ахлоқий асослари, унинг масъулиятию моҳияти, оилада босиқлик, андиша, вафодорлик, хушмуомалалик, ҳалоллик, поклик, тозалик ҳақидаги буюк донишманд алломаларимиз мероси, тасаввурлари, ғояларини ёйиш борасида тарғибот ишларини олимлар, ўқитувчи-мураббийлар, нуроний фахрийлар иштирокида олиб боришни мунтазам ва илмий йўлга қўйиш лозим.

(Давоми 3-бетда)

## ЯНГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ

*Бугунги янгиланиш қадамлари эртанги ўзгаришларга йўл очади. Мамлакатимизда ташкил қилинаётган янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари келажакда улкан ўзгаришларга асос бўлишини бугун кўпчилик англаб бормоқда. Биз бугун янги ўқув йилида ишга тушиши кўзда тутилган 102 та касб-ҳунар коллежларининг шу кунгача тантанали очилганлари билан таништирамиз.*



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**да бу йил очиладиган 10 та касб-ҳунар коллежларининг барчасида тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди. Ушбу коллежлар 5 та йўналиш бўйича мамлакатимиз учун зарур мутахассис кадрларни тайёрлайди. **Қораўзак, Шуманай, Амударё, Хўжайли, Тўрткўл, Беруний туманлари**да фаолиятини бошлаётган мазкур таълим даргоҳлари қишлоқ хўжалик соҳасига йўналтирилган бўлиб, уларда ёшлар қишлоқ хўжалик ҳамда гидромелиорация машиналари ва ускуналарини ишлатиш ва таъмирлаш, чорвачилик ҳамда ўсимликшунослик бўйича фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва юритиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрономия, ветеринария, зоотехния, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш, ер тузиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш технологияси каби йўналишларда таълим-тарбия олишади. **Нукус шаҳридаги касб-ҳунар коллежи** саноат йўналишида металлни қайта ишлаш, пайвандлаш, тикувчилик, қандолат, нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, автомобиль транспортини бошқариш ва юк ташишни ташкил этиш, кимё технологияси ва ишлаб чиқариш бўйича кадрлар тайёрлайди. **Нукусдаги педагогика касб-ҳунар коллежида** бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, мусиқий тарбия, бошланғич синфларда жисмоний тарбия, миллий кийимлар тикувчиси, графика ва ҳуқуқшунослик бўйича бўлажак мутахассислар тайёрланса, **иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежида** эса ёшлар тижорат иши, молия, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, хўжалик фаолияти ҳуқуқи ва ҳуқуқшунослик бўйича билим олишади. Шунингдек, **Нукус тиббиёт касб-ҳунар коллежида** даволаш, акушерлик ҳамда ҳамширалик ишлари бўйича булғуси тиббиёт ходимлари тайёрланади.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**да бу йил фойдаланишга топширилган 12 янги турдаги ўқув муассасасининг 6 тасига янги бинолар қуриб берилди ва улар янги ўқув йилининг бошида тантанали равишда очилди. **Андижон туманидаги саноат касб-ҳунар коллежи** тикувчилик ва тўқув ишлаб чиқариш, халқ истеъмол буюмларини моделлаштириш ва конструкциялаштириш бўйича, **Андижон шаҳридаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи** эса радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, реклама фаолияти, уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш, умумий овқатланиш, бухгалтерия ҳисоби бўйича кадрлар тайёрлайди. **Хонободдаги маиший хизмат коллежида** ҳам ёшларимизга бухгалтерия ҳисоби, сартарошлик санъати ва декоратив косметика, котибалик иши, умумий овқатланиш ва сураткашлик бўйича билим ва кўникмалар берилади. **Жалолқудуқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида** бўлажак ҳуқуқшунослар, солиққа тортиш, иш юритиш ва архив ишлари, ҳамда бухгалтерия ҳисоби бўйича кадрлар тайёрланади.

**Асака** ҳамда **Шаҳрихон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида** хўжалик фаолияти ҳуқуқи, агрономия, қишлоқ хўжалик машиналари, ускуналарини таъмирлаш ва фойдаланиш, давлат кадастри, ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил қилиш ва юритиш йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ**да ишга тушган янги 2 та касб-ҳунар коллежи тантанали равишда очилди. **Ғиждувондаги қурилиш коллежи** эндиликда қурилиш-пардозлаш, том ёпиш ҳамда дурадгорлик ва паркет ишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлай бошлайди. **Бухоро шаҳридаги қурилиш-саноат коллежида** эса ёшлар сантехника, вентиляция, электр тизимлари ва жиҳозлари монтажи, пайвандлаш, темир-бетон конструкцияларини монтажлаш бўйича мутахассисликларга эга бўлишади.

(Давоми 2-бетда)

**JUMLADA JAHON**

• Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги қарорига биноан ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-, 14- моддаларига мувофиқ Тошкент шаҳрида, барча вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида 14 та сайлов округи ташкил этилди.

• «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.

• Мамлакатимиз мустақилиги байрами муносабати билан Ўзбекистон халқи ва Президенти номига давлатлар раҳбарлари ва халқаро ташкилотлардан табрик мактублари ҳамон келиб турибди.

• Белград суди томонидан ўз ташкилоти ваколатлари ниқоби остида НАТО фойдасига жосуслик қилаётганликда айбланиб, узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинган Австралиянинг «Кэр Острэлиа» инсонпарварлик ташкилотининг икки вакилини озод этиш тўғрисидаги Югославия ҳукумати қарорини БМТ Бош котиби Кофи Аннан юқори баҳолади.

• Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари натижасида ироқлик болаларнинг азият чекаётганлиги, мамлакатда озиқ-овқат ва дори-дармон танқислиги юзага келганлиги Ироқнинг жанубий ҳудудларига сафар қилган АҚШ конгрессменлари делегацияси вакили Филис Бенисни дунё мамлакатларини ушбу давлатга нисбатан жазо чорасини бекор қилишга чақиришга даъват этди.

Ютуқлар, муаммолар, ечимлар

2-бет

**Ўқитувчи ён дафтарига**

### САҲРОДАГИ МУЗЛИКЛАР

Жазоир нефть институти буюртмасига кўра, Саҳрои Кабирни ўрганаётган тадқиқотчилар саҳро ҳудудидан денгиз ҳайвони қолдиқларини топишди. Топилмани синчиклаб ўрганиб чиққан олимлар, бундан тахминан 450 миллион йиллар муқаддам Саҳрои Кабир қалин музликдан иборат бўлган, деган хулосага келдилар.

### ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИСИ

Эндиликда америкалик об-ҳаво мутахассисларининг мушкуллари осон бўладиган бўлди. Боиси, улар баҳоси 6,2 миллион долларлик ўта ноёб компьютерга эга бўлишди. Бу ажойиб қурилма нафақат бугунги ёки эртанги ҳароратни, ҳатто бундан 200-300 йил аввал ер юзида об-ҳаво қандай бўлганлигини ҳам айтиб бера олади.

### ОЛИМЛАРНИНГ ХУЛОСАСИ

Немис олими Александр Лерхель Германиядаги яқин 50 йиллик об-ҳаво маълумотларини ва аҳоли кўпайишига оид статистик маълумотларни ўзаро солиштириб, кутилмаган хулосага келди. Олимларнинг фикрича, иссиқ кунлардан сўнг бир ой ўтгач пайдо бўлган ҳомила ўғил ва совуқдан шунча муддат ўтиб пайдо бўлган ҳомила қиз бўларкан.

### ЭНГ ШИРИН СУТ

Олимлар ўтказган тадқиқотлар натижалари энг ширин сутли жонивор каркидон эканлигидан далолат бермоқда. Каркидон сутида 36 фоиз қанд моддаси мавжуд экан. Шунингдек, энг ёғсиз сут ҳам каркидон сутидир. Бу ҳайвон сутининг таркибида 0,3 фоизгина ёғ бор экан.

Temir irodali Timur

4-бет

## ЛОҚАЙДЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

Бир ойдан бери жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги тоғли Боткент туманига қаратилган. Тожикистон-Қирғизистон чегарасини бузиб кирган халқаро террорчилар дастлаб бу тумандаги бир қанча қишлоқни эгалладилар ва бир неча масъул лавозимли шахслар ҳамда фуқароларни гаровга олдилар. Афсуски, Қирғизистон ҳукумати керакли чора-тадбирларни ўз вақтида кўрмади. Террорчилар эса бундай вазиятдан фойдаланиб, бир неча кундан сўнг янада каттароқ гуруҳ билан қайтиб келдилар. Боткент тумани марказидан 150 км нарида жойлашган Олтин Жайлов қўрғонидан бир неча киши ва бу ерда қидирув олиб бораётган 4 япон геологини ҳамда унинг таржимонини гаровга олдилар. Гаровга олинганлар орасида Қирғизистон ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари қўмондони генерал А.Шамкеев ҳам бор эди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Биринчи воқеадан кейин нега қатъий чора-тадбирлар кўрилмади? Генерал қандай қилиб осонгина гаровга олинди? Хуллас, бу ҳодисалар Қирғизистон раҳбарияти, мудофаа ва миллий хавфсизлик маҳкамалари чегараларни мустаҳкамлаш, экстремизмга қарши курашда ниҳоятда эътиборсиз бўлганликларини рўй-рост кўрсатди. Мамлакатнинг собиқ вице президенти, Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик вазирликларини ҳам бошқарган генерал Феликс Қуловнинг "Озодлик" радиосига берган интервьюсида таъкидланишича, Тожикистон мухолифати қуролли гуруҳлари илгари ҳам бир неча бор Қирғизистоннинг чегарадош тоғли ҳудудларига кириб бу ердан озиқ-овқат талаб қилган, аҳоли ўртасида экстремистик руҳдаги ташвиқот ишлари юритишга уринган. Ишбилармон сифатида Ўш вилоятининг турли шаҳарларига келиб-кетиб юрганлар. Бу ҳақда Қирғизистон ҳукуматига ўз вақтида хабар берилган. Аммо фавқулодда чоралар кўрилмаган. Шу жиҳатдан кишини ҳайрон қолдирадигани — Қирғизистон раҳбариятининг ваҳобийлик ва диний экстремизм каби таҳдидларга деярли жиддий ёндашмаганлигидир. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев бундан бир ойча муқаддам Россиянинг "Независимая газета"си мухбирига берган интервьюсида ваҳобийликни оддий бир ҳол сифатида баҳолагани ҳам кўпчиликни ҳайрон қолдирган эди. Қирғизистондаги ҳозирги воқеалар ўша лоқайдликнинг аччиқ мевалари эмасми?

20 август куни халқаро террорчилар ўзларига таниш йўлдан яна Қирғизистонга кириб келдилар. Бу сафар уларнинг асл нияти ошкор бўлди. Минтақада қўпорувчилик ишларини авж олдириш, зўрлик билан конституцион тузумларни ағдариб, ўрта аср тартибларини ўрнатишни хаёл қилган бу террорчиларнинг асл мақсади Қирғизистон ҳудудида макон қуриш, янги кескинлик ўчоғини вужудга келтириш, хориждаги диний-экстремистик ташкилотларнинг молиявий ёрдамлари билан бу ердаги барқарорликни издан чиқаришдир.

Сўнгги маълумотларга қараганда, террорчилар ҳозиргача 13 кишини, шу жумладан, 4 япон геологи ва уларнинг таржимонини ҳамда қирғиз генералини гаровда ушлаб турибдилар. Япония ҳукумати имкон қадар ўз фуқароларини қароқчилар чангалидан қутқариб олиш йўлларини қидирмоқда. Қирғизистон раҳбарияти эса террорчилар хуружи нечоғлик мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англашдан ҳам кўра, менинг назаримда, мамлакат иқтисодиётига катта сармоялар олиб кираётган Япония билан алоқаларга заха етишидан ташвишда.

28 август куни Ўш шаҳрида тўрт республика – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Ташқи ишлар, Мудофаа вазирлари ва Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Йиғилишда қабул қилинган Баёнотда мавжуд хавфга қарши биргаликда курашиш нияти баён этилган. Айни пайтда давлат чегараларини мустаҳкамлаш, экстремистларнинг чекиниш йўлларини кесиш, уларга бошпана бермаслик ва узил-кесил тор-мор қилишга келишилган эди. Аммо сўнгги маълумотлар бу мажбуриятлар айрим давлатлар томонидан тўла бажарилмаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, террорчиларнинг бир қисми яна Тожикистоннинг Жирғатол туманига қочиб ўтган. Буни қандай изоҳлаш керак? Мухолифат раҳбарлари нега миллий ярашув бандларига қатъий риоя қилмаяптилар? Террорчилар нега Тожикистон-Қирғизистон чегарасида уёқдан-буёққа ўтиб, эмин-эркин қурол кўтариб юрибди? Аслида бу Тожикистонда ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловлари натижасига суқланиб кўз тикиб турган Бирлашган тожик мухолифатининг сиёсий ўйинидан бошқа нарса эмас.

Кўпчиликни ўйлантираётган яна бир савол — босқинчилар қурол-яроғни қаердан олаяптилар? Ахир "ётиб еганга тоғ чидамас" деган нақл бор. Ўқ-дори тўхтовсиз таъминланиши керак-ку! Излар яна Тожикистоннинг Жирғатол туманига олиб бормоқда. Чамаси, халқаро террорчилар Тожикистон ҳукуматининг қўли қисқалигидан ва Бирлашган тожик мухолифати раҳнамолари хайрихоҳлигидан фойдаланиб, қора ишларини амалга оширмоқдалар.

Масалага чуқурроқ ёндошилса, Доғистондаги воқеалар билан Қирғизистондаги воқеалар бир-бирига узвий боғлиқ эканлиги аён бўлади. Ҳатто бу ҳаракатларни бир қанча хорижий мамлакатлар жумладан, Афғонистондаги айрим сиёсий гуруҳлар моддий жиҳатдан таъминлаётганлиги маълум. Яқинда Афғонистонда Покистон, Эрон ва Марказий Осиё давлатларидаги ақидапараст гуруҳлар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтганлиги ҳам бежиз эмас. Террорчиларнинг ҳомийлари ким бўлишидан қатъий назар, мақсадлари аниқ:минтақадаги барқарорликни издан чиқариш, қардош миллатлар орасига нифоқ солиш, парокандаликни вужудга келтириб, ҳокимиятни қўлга киритишга уриниш.

Аммо булар хом хаёлдан бошқа нарса эмаслиги кундай равшан. Ўз эркини қўлга киритган халқ оқ билан қоранинг фарқига яхши боради. Қирғизистондаги таниқли дин пешволаридан бирининг "Вечерный Бишкек" газетасидаги чиқишида айтилганидек, ақидапарастларнинг мақсади дин эмас, ҳокимиятни қўлга киритиш. Улар юзма-юз тўқнашувдан қўрқиб, гаровга олиш билан шуғулланмоқдалар. Бу билан халқаро ҳамжамият кўз ўнгида ўзларини кучли мухолифат қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Дин пешвосининг фикрича, бу хатарга қарши оқиллик ва аҳиллик билан кураш олиб бориш керак. Бунда дин аҳлларининг фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Терроризмнинг миллати йўқ. Матбуот хабарларига қараганда, Қирғизистондаги босқинчилар ичида пуштунлар, араблар, тожиклар, ўзбеклар ва инглиз тилида гаплашувчи бошқа миллат вакиллари бор. Ҳатто толибон ҳаракатининг 2 генерали борлиги айтилмоқда. Очиғини айтганда, булар — ёлланма аскарлар. Европада бундайларни "ёввойи ғозлар" деб атайди. Улар учун миллат ҳам, мамлакат ҳам йўқ. Ким садақа берса, ўшанинг ноғорасига ўйнайдилар. Ким товоқларига суяк ташласа, ўшанинг оёғини ялайдилар. Кимнинг қони тўкилаётганлиги билан ҳам ишлари йўқ. Дин, халифалик ҳақидаги гаплар эса бир ниқоб холос.

Диний экстремизм чаласаводликдан озиқланади. Зеро, саводсиздан кўра чаласавод одам хавфли. У озгина билган нарсасини ҳам ягона ҳақиқат деб қабул қилади. Ақидапарастлик касали билан "оғриган"ларнинг кўпчилиги ана шу чаласаводлардан. Акс ҳолда улар Тожикистон ва Афғонистонда рўй берган биродаркушлик урушидан, Жазоирда неча йилдир давом этаётган хунрезликдан мантиқий хулоса чиқарган бўлар эдилар. Оллоҳ берган буюк неъмат – Ватан озодлиги ва диний эркинликни қадрлаган бўлар эдилар.

Халқимизда "Чўкаётган одам хасга ёпишади" деган нақл бор. Халқаро террорчиларнинг Қирғизистон жанубидаги талвасалари ана шу нақлни эслатади.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ**




*Timur TULYAKOV*
*1975 yil 11 fevralda tug'ilgan. 1998-1994 yillarda Andijondagi sport-texnika bilim yurtida boks bo'yicha ta'lim oldi. Ayni vaqtda Andijon Davlat universitetining fizkultura fakultetida o'qimoqda. Boks bo'yicha xalqaro sport ustasi. AQSHda, Bangkokda o'tkazilgan musobaqalar sovrindori. «O'zbekiston iftixori» faxriy unvoni egasi.*

# TEMIR IRODALI TIMUR

Xalqimizning «No'xatvoy polvon» degan cho'pchagini ko'pchilik bolalar yaxshi bilishadi. Sababi no'xat doni jajjigina bo'lishiga qaramay, o'ziga qarshi chiqqan barcha dushmanlarini yengadi. «Kichkinagina mitti – Xolxo'jani yiqitdi» deganlaridek, ana shu no'xat «Pahlavon» nomini oladi. Timur Tulyakovni ringda ko'rgan tomoshabin beixtiyor ana shu xalq ertagini eslaydi. Chunki, Timur jussasi kichik bo'lishiga qaramay, qanchadan-qancha pahlavonlarni yengib chiqib, dog'da qoldirgan. Tinib-tinchimas, tirishqoq Timur boks bilan 12 yoshidan boshlab qattiq shug'ullandi va har tomonlama chiniqib ulg'aydi.

Taqdir taqozosi bilan Timur Tulyakov juda ko'p mamlakatlarda bo'lgan. Tengdoshlari uni hazillashib «Jahongashta Timur» deyishadi. Otasi harbiy xizmatchi bo'lgani uchun goh Germaniyada, goh Ashgabadda yashashiga to'g'ri kelgan. Qirg'izistonda istiqomat qilishgan paytida bokschilar xonadoni bilan qo'shni turishardi. Bu Timur uchun kutilmagan tuhfa edi. Taniqli xalqaro sport ustasi Quvonchbek To'yg'onboyev bilan birgalikda Timur ham qo'lqopni qanday kiyishdan tortib, boksning barcha sir-asrorlarini qunt bilan egalladi. Ayniqsa u ilk ustozi Leonid Borisovich Rostorguyevning nomini hurmat bilan tilga oladi. U 13 yoshidan boshlab musobaqalarda qatnasha boshladi. Andijon shahrida esa unga Lochin Qo'chqorov, Aleksandr Razmaxov va Mars Qo'chqorovlar murabbiylik qilishdi.

1991 yilda Toshkentda o'tkazilgan yoshlar musobaqasida qatnashib, 46 kilogramm vazngacha bo'lgan normativni bajardi va tengdoshlari orasida birinchi sport ustasi bo'ldi. Kamtarga kamol deganlaridek, u ko'plab xalqaro turnirlarda bellashib, shuhrat cho'qqilarini egalladi. Bundan olti yil avval musobaqalarning birida Timurning o'ng qo'li qattiq jarohatlandi. Uzoq yillik ko'nikma va ustozlarining daldasi bilan mashqni yana davom ettirdi. Natijada 1995 yilda Toshkentda o'tkazilgan Osiyo chempionatida bronza medali sovrindori bo'ldi. 1997 yilda Budapeshtda o'tgan xalqaro turnirda to'rtinchi o'rinni egalladi.

1998 yildan boshlab Timur Tulyakov uchun sportchilar tili bilan aytganda «yulduzli daqiqa»lar boshlandi. Dastlab Amerika Qo'shma Shtatlarida o'tkazilgan musobaqada 54 kilogrammgacha vaznli bokschilar bilan uch marta kurashga tushib, barchasini yengdi. Birinchi to'qnashuvda rossiyalik ikki marta jahon chempioni Rayimqul Malaxbekovni 5-4 hisobida yutdi. Tomoshabinlar bu og'ir kurashda o'zbekistonlik chuvakkina yigit g'olib bo'lishini sira kutishmagan edi. Yoki kubalik mashhur bokschi Voldemar Fond bilan bo'lib o'tgan keskin kurashni eslaylik. Timur Voldemarga jahon chempionatida yutqazib qo'ygandi. Shuning uchun ikkinchi uchrashuv andijonlik yigitcha uchun katta, sinov edi. Kubalik bokschi o'ziga tanish bo'lgan raqibini negadir mensimay o'yinga tushdi va masalani uzil-kesil hal qilmoqchi bo'ldi. Biroq jang Voldemar kutganday bo'lmadi. O'yinning tugashiga sanoqli daqiqalar qolganda, 15:14 hisob bilan Timur g'alaba qozondi. Zal qarsaklardan larzaga keldi.

1998 yilda Bangkokda o'tkazilgan XII Osiyo o'yinlarida Timur Tulyakov dastlab koreyalik, keyin eronlik charm qo'lqop ustalarini yengdi. Afsuski, Timurning qo'li yana lat yedi. Tibbiy yordam ko'rsatildi. Har bir o'yin oldidan o'ng qo'liga ukol qilib, muzlatishga to'g'ri keldi. U ringga chiqqanda ko'proq chap qo'li bilan himoyalandi va hujum qildi. Zarur paytda o'ng qo'lini ishga soldi. Shunga qaramay yurtdoshimiz finalga chiqdi. Temir irodali Timur yakunlovchi o'yinda ham yengishga tayyor edi. Murabbiylari uning kelajagini o'ylab, bu o'yinni oxiriga yetkazishga ruxsat berishmadi. Lekin Timurning bu musobaqada olgan kumush medali oltindan ham qimmatlidir.

**«O'zbekiston iftixorlari» to'plamidan olindi**

O'lkamizni o'rganamiz

# САЙРНИНГ СИНАЛГАН УСУЛИ



*Югурдак этиклар эртагига ўхшаб, велосипед бизга пиёда ёки ҳозирги вақтда шаҳар транспортида юришга қараганда анча тезроқ ҳаракат қилишга ёрдам беради. Ҳозир шаҳар транспортида трамвайларда, троллейбусларда, автобусларда бир соатдаги ўртача тезлик 12 км.ни ташкил этади. Велосипеддаги тезлик соатига — 15 км. Велосипед — вақтни тежаш, ҳавонинг тозалиги, соғлик учун фойдалидир. Велосипедни ҳайдаш ҳисобига қон айланиш оёқдан юраккача кўпайиб, мускулларни мустаҳкамлаб, ўпкани ривожлантиради. Тезликни сезиш, ҳар доим аҳвол ўзгариши нерв системага яхши кайфият ва ижобий ҳолатни бахш этади. Бу тўлиқ мускул, бўғин ва оёқ суякларини шикастланишга имкон бермайди, балки хоҳлаган одамлар, ҳаттоки улуғ ёшдагилар ҳам юриши мумкин бўлади.*

*Велосипедда шуғулланишни катта бўлмаган (10-15 км дан ошиқ бўлмаган) масофага юришдан бошлаш керак. 5-6 машғулотдан кейин ҳар доим масофани 3-5 км кўпайтириб, айрим вазиятларда уни 50-80 кмга секин-аста етказиш лозим. Эгарга ўтиришдан олдин катта бўлмаган 5-6 та гимнастик машқларни бажариш зарур. Юриш вақтида чарчаш ҳоллари пайдо бўлса, тўхтанг ва бир неча машқларни бажаринг: бошни айлантириш, қўлларда ҳар хил ҳаракатлар, гавдани олдинга ва ён томонларга энгаштириш, эгилишлар ва ҳоказо. Бу машқларни юришдан кейин ҳам бажаринг.*

*Шаҳар атрофига сайр қилишни дам олиш кунларига режалаштиринг. Ўзингиз билан катта бўлмаган юк халтани, медицина дорихонаси, совун, ичиш учун сув, овқат жойланиши зарур. Сайр вақтида кўча ҳаракат қоидасига қаттиқ риоя қилинг. Агар сиз гуруҳда бўлсангиз, унда кетма-кет бир қатор йўлнинг чап қирғоғидан 8-10 м оралиқда ҳаракатланинг. Ҳаракат тезлиги гуруппадаги энг кучсизнинг имкониятига қараб ўрнатилади. Ҳаракатда у ўртада, олдида ва орқасида эса тажрибали ва олдиндан тайёрланганлар юриши керак. Гуруҳ бўлиб саёҳат қилиш жуда қизиқарли ва кўп хурсандчилик келтириши мумкин.*

**Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ, РЁСЎМ услубчиси**

Xullas...

## ВЕРТОЛЁТДА ҚИЗ БОЛА

Аёлларнинг машина ҳайдашларини кўрганмиз. Аммо вертолётни пирпирак қилиб учирганларини кўрмаганингиз аниқ.

Плеханов номидаги халқ хўжалиги академияси талабаси Олеся Мифтахова аудит мутахассислиги бўйича ёзги имтиҳонларини топшириб бўлгач, одати бўйича севимли машғулотига шўнғиди. Ҳар дам олиш кунлари Олесянинг экипажи Егоревск авиаклубида машқ қилади. Обҳаво унинг учун иккинчи даражали.

Бундан 14 йил муқаддам Мифтахова томонидан ясалган вертолёт макети шаҳар аэроклубида катта шов-шувни келтириб чиқарган эди. Энди эса «вертолётда учиш — менинг тақдирим» дея бу қиз барчани ҳайратга солмоқда.

## ХАВФЛИ СОВҒА

Ёқутистон авиакомпаниясининг учувчиларидан бирига номаълум почтальон ажойиб совға келтирди: магнитола. Учувчи хурсанд бўлиб кетди, аммо кўнгли ниманидир сезиб, тегишли идорага мурожаат қилди. «Посилка» билан қизиқиб кўрган милиция ходимлари унинг ичига портловчи граната қўйилганини аниқлашди. Шошилинч равишда подъездда яшовчиларнинг барчасини уйларидан чиқариб юборишди.

Қимматбаҳо совға кимга ва нима учун юборилган? Ўлим келтирувчи ускунани учувчиникига ташлаб кетган почтальоннинг мақсади нима?

Саволлар «қалашиб» кетди. Ҳуқуқ-тартибот органлари столга қўйиб кетилган хавфли совғанинг «ташкилотчи»ларини қидиришга киришдилар.

## САБРСИЗЛИК КЕЛТИРГАН ЖАФО

«Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва битар» деган гап бор. Аммо рости бунга ҳаммамиз ҳам амал қилавермаймиз. Сабрсизлик оқибатида эса кўнгилсиз воқеалар келиб чиқади.

Кузбасс ҳудудидаги Юрга шаҳарчасида яшовчи эркак уйига келганида, эшик берк эди. Хотини қўшниларига калит қолдирмаган. Деворга осилиб, деразa орқали ичкарига кириш фикри миясига келганидан, у хурсанд бўлиб кетди.

Қаердандир ингичка арқон топди-да, бир амаллаб тепадаги қозиққа илди. Арқонга тирмашиб чиқаётган эди, иккинчи қаватга етар-етмас ерга гуппа қулаб тушди. Бундай пайтда мувозанатни сақлаш ҳам мушкул-да... Ўзини ўнгаролмай, ҳушидан кетди.

Касалхонада эса унинг мияси чайқалгани аниқланди. Хотини эса на ўзини, на эрини айблашни билар, пиқ-пиқ йиғларди.

## БАДАВЛАТ КИШИЛАР

Арабистон ярим оролидаги энг бадавлат киши Аравий Фаҳд бўлиб, у 20 миллиард долларга эга. Қувайт амири шайх Жобир ас-Сабоҳ 5 миллиард доллари билан Фаҳддан кейинги ўринда туради.

Шу ерда бир гап. Улкан бойлик соҳиблари уни вужудга келтириш сирларини ҳеч кимга, ҳаттоки рафиқаларига ҳам айтишмайди.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

### ЭНГ НУФУЗЛИ ТУРНИР

Теннис бўйича «Президент кубоги» ўйинлари бошланишига 4 кун қолди. Кафельников, Руседени, Кифер, Сафин каби теннис юлдузлари иштирок этишни ихтиёр этган бу мусобақа юртимизда спортнинг равнақи ва давлатимиз обрўсига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

### ОЛИЙ ТАБАҚА

Олий табақа жамоалари навбатдаги турда ўйнашди: «Нефтчи» - «Бухоро» - 5:0, «Темирйўлчи» - «Зарафшон» - 3:2, «Трактор» - «Дўстлик» - 1:1, «Янгиер» - «Андижон» - 1:1, «Металлург» - «Хоразм» -1:0, «Навбаҳор» - «Насаф» - 4:3, «Самарқанд» - «Сурхон» - 1:1, «Пахтакор» Осиё кубокларида ўйнаганлиги боис «Сўғдиёна» билан ўйини қолдирилди.

### РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Жанубий африкалик Пенни Хейнс 100 мга брасс усулида сузиш бўйича жаҳон рекордини янгилади - 1.05.57. У илгариги рекорд соҳиби австралиялик Саманта Райлидан маррага 13 миллисекунд тезроқ етиб келди.

### ЖЎЖА САНАЙДИГАН ВАҚТ

ҳам келиб қолди. Оврўпа терма жамоалари бугун EURO - 2000 турнирининг саралаш босқичида охиргидан олдинги тур учрашувларини ўтказадилар. Йўлланмани аллақачон нақд қилган Чехия терма жамоаси каби Италия, Швеция, Испания жамоаларининг ўз гуруҳларида ғолиб чиқишлари имконияти кўпроқ.

### ЖАҲОНГА ЧИҚҚАН КУРАШ

Душанба куни халқаро кураш ассоциацияси тузилганлигининг бир йиллиги муносабати билан сўлим «Анҳор» кафесида ош берилди. Ошдан сўнг матбуот конференцияси бўлиб, унда миллий спорт туримизнинг жаҳонга чиқиши, равнақи ҳақида сўз борди. Шунингдек, етакчи курашчиларимизга соврин-совғалар улашилди.

Ko'ngil bitiklari

## ФОЙДАСИ ЙЎҚ ҲУНАРЛАР

*Фойдаси йўқ ҳунарлар эгасининг офати,*
*Фойдаси бор ҳунарлар иқболи, саодати.*

*Ҳунарингни кўрсатсанг, кўп нарса ундирасан,*
*Насиб этади сенга ҳаёт завқи, роҳати.*

*Ҳунарингни хор қилсанг, зор бўласан ош, нонга,*
*Ялқовларга қўшилсанг, уради касофати.*

*Ҳунарингни ишга сол тузук яшайин десанг,*
*Ғайрат қилсанг сеники дунёнинг фароғати.*

## ТУШДИ

*Кўз нуринг олдимдаги неъмат, гулобга тушди,*
*Сўнгра менга — ишқингда куйган бетобга тушди.*

*Барча ҳаракатимни кузатдинг синчков қараб,*
*Мадҳинг назмий баёзга, шеърий китобга тушди.*

*Мен қарагач, уялиб жамолингни яширдинг,*
*Рўмол тўсган рухсоринг шу пайт ниқобга тушди.*

*Сочларинг қўнғироғи юзингни бекитганда,*
*Тўра, унинг сояси гўё офтобга тушди.*

## ЁМОНЛАР ҲАҚИДА

*Дедим: ким ёмон? Деди: ўта виждонсиз ёмон.*
*Дедим: яна-чи? Деди: барча суқли кўз ёмон.*

*Дедим: ёшлар ичида қанақаси ёқмайди?*
*Деди: ҳаёсиз юрган дайди ўғил, қиз ёмон.*

*Дедим: егуликларнинг қайси инсонга зарар?*
*Деди: миннатли бўлса, ундай неъмат-туз ёмон.*

*Дедим: суҳбат сўнггида сўнгги ёмонни билдир.*
*Деди; эй дўстим Тўра, қўпол, аччиқ сўз ёмон.*

**Тўра ЖУМАН**

### QUTLOV

**Ҳурматли устозимиз Саидлуқмон УБАЙДУЛЛАЕВ!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин юракдан қутлаймиз.

Сизни 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида кўплаб шогирдлар тарбиялаган тажрибали мураббий ва айни пайтда жамоамизнинг ташаббускор раҳбари сифатида биламиз. Машаққатли ва шарафли фаолиятингизга ҳамиша омад тилаймиз.

**Ўрта Чирчиқ туманидаги 30-ўрта мактаб жамоаси.**

**Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 1999 йил 18 август 4-сонли ва 30 август 5-сонли қарорига мувофиқ Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетининг сиртқи бўлимига ҳужжат топшириб, Давлат Тест синовларида юқори кўрсаткичларга эришган абитуриентлар қуйидаги ихтисосликларнинг сиртқи бўлимларига пулли шартнома асосида қабул қилишга тавсия этилганликларини маълум қиламиз.**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Математика ва информатика (ўзб) | 144,70 баллдан | 114,10 баллгача |
| 2. Математика ва информатика(рус) | 129,90 баллдан | 111,90 баллгача |
| 3. Физика, Астрономия, Касбга ўргатиш | 121,60 баллдан | 111,40 баллгача |
| 4. Кимё | 154,00 баллдан | 113,10 баллгача |
| 5. Биология | 149,60 баллдан | 114,30 баллгача |
| 6. География | 137,20 баллдан | 115,40 баллгача |
| 7. Ўзбек тили ва адабиёти | 160,00 баллдан | 113,90 баллгача |
| 8. Рус тили ва адабиёти | 190,10 баллдан | 113,60 баллгача |
| 9. Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти (ўзб) | 138,50 баллдан | 113,10 баллгача |
| 10. Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти (рус) | 130,00 баллдан | 114,70 баллгача |
| 11. Педагогика ва психология (мактабгача таълим) Дефектология (ўзб) | 142,30 баллдан | 113,50 баллгача |
| 12. Педагогика ва психология (мактабгача таълим) Дефектология (рус) | 148,10 баллдан | 115,00 баллгача |
| 13. Тарих (ўзб) | 178,40 баллдан | 164,60 баллгача |
| 14. Тарих (рус) | 188,60 баллдан | 175,10 баллгача |
| 15. Касбга ўргатиш (техника йўналиши бўйича) (ўзб) | 129,10 баллдан | 112,70 баллгача |
| 16. Касбга ўргатиш (техника йўналиши бўйича) (рус) | 106,00 баллдан | 96,10 баллгача |
| 17. Мусиқа - педагогика | 142,50 баллдан | 117,40 баллгача |
| 18. Чизмачилик ва тасвирий санъат | 120,70 баллдан | 105,40 баллгача |

Юқорида айтилган кўрсаткичларга эришган абитуриентларни Университет Маркетинг бўлими билан боғланиб, шартномаларни зудлик билан 15 сентябргача расмийлаштиришларини сўраймиз.

Маълумотлар учун телефон рақамлари:

Маркетинг бўлими 55 - 50 - 77

Қабул комиссияси 55 - 70 - 27

РЕКТОРАТ

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Ҳусан НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0727. Тиражи 24020. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди – 23.30